



МУНОСАБАТ



Ватан олдидаги жасорат

ҳеч қачон унутилмайди

Президентимизнинг 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 71 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантиришга қаратилган фармони мамлакатимизда инсон қадр-қиммати нақадар юксак эканлигини яна бир бор намоён этди.

Мазкур фармонда ҳокимликлар, вазирликлар ҳамда жамоат ташкилотлари олдида муҳим вазифалар қўйилди. Бугунги кунда зиёлилар, олимлар, депутатлар, умуман, кенг жамоатчилик вакиллари томонидан ушбу фармоннинг аҳамияти ҳусусида фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Ҳасан НОРМУРДОВ,
«Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини қўллаб-қувватлаш, моддий рағбатлантириш борасидаги фармони юртимиздаги барча нуронийларнинг кўнгилли кўтарди, юрагига мадор бўлади, умрига-умр қўшади.

Ушбу фармоннинг эълон қилиниши мамлакатимизда умуммиллий ҳаракатни бошлаб берди. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида нафақат уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, балки барча кексалар қадрланади, уларга ҳуқуқ-ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади. Бугун Самарқандда фармон ижросини таъминлаш, байрамни муносиб

қутиб олиш учун қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ёшлар иштирокида тарғибот гуруҳлари ташкил этилмоқда, уч авлод учрашувлари, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш режаси ишлаб чиқилди. Ҳозир вилоятда 5 минг нафардан ортиқ уруш ва меҳнат fronti фахрийлари истиқомат қилмоқда.

Ўтказиладиган тадбирларда кексаларнинг ҳаёт йўлини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади. Фарзандларимизга уруш даврининг оғир кунларини ҳикоя қилиб бериш орқали бугунги нурафшон кунларнинг қадрига етиш кераклиги ўқитилади.

Элмурод ҚАРШИЕВ,
Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бош мутахассиси:

— Президентимиз фармонида белгиланганидек, Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадбий кечалар ўтказиш ишларида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий ташкилотлари фаол иштирок этади.

Бундай тадбирлар жорий йилнинг 25 апрелидан 15 майга қадар давом этиши кўзда тутилган. Бу каби учрашувлар республикамизда мавжуд 10 мингга яқин маҳаллаларнинг барчасида ўтказилади. Байрам тадбирларида кексаларга совға-саломлар топширилади.

Бу сингари байрам кечалари Мурувват ва Саховат уйларида ҳам ташкил этилади. Нуронийларга

моддий ёрдам кўрсатилади.

Шунингдек, вилоят ва туман марказларида уруш ва меҳнат fronti фахрийлари учун байрам тантаналари уюштирилади. Маданият бўлиmlари томонидан концерт дастурлари намойиш этилади.

Умуман, бу каби маданий-маърифий тадбирларнинг бир муҳим жиҳати алоҳида эътибор қаратишни истардим. Яъни, уруш қатнашчилари иштирокида ўтказиладиган учрашувлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади, уларни ота-онани ҳурмат қилиш, бугунги шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланишга даъват этади.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР



Давлат дастури ижросида

партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаол иштирок этиши зарур

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастуридан келиб

чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Пленумда партия ташкилотлари раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, «Истиқбол» ва «Фаол аёллар»

қаноти фаоллари, илғор бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этди.

▶ Давоми 2-бетда.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНияТЛАРИ

Ассалом, бўйлари баланд келажак!

Талабалар — инсон умрининг ҳал қилувчи палласи. Шу йиллар мобайнида олинган билим келажакка замин яратди. Мен талабаман. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида таълим олаётган бахтли тенгдошларим сафидаман. Яқинда университетимиз янги биносининг тантанали очилиш маросими бўлди. Бу тарихий воқеанинг бевосита гувоҳи, яратилган шароитлардан баҳраманд бўлаётган ёшларнинг бири сифатида янги қиёфадаги университетимни, бу ердаги ўқитувчи ва талабаларнинг қалбидаги фахр-ифтихор, миннатдорлик туйғуларини албатта ёзишим керак, деган ўй мени тинч қўймади.

Отам ўзининг талабалар даврини эслаганда, кўз олдида қопқора доска, ясси парта, қоронғи ва диққинафас хона келишини айтди. Киши ақлини шоширадиган даражадаги ҳозирги имкониятлар уларнинг тушига ҳам қирмаган. Бувим эса университетнинг янги биносидан тушган

суратларимни кўриб, кўзига ёш олди... «Сизларнинг билим олишларинг учун шундай биноларни қуриб берган, ёшларга, айниқса, қизларга меҳр ва ғамхўрлик кўрсатаётган Ўртабўшимиз омон бўлсин, юртимизга, тинчлигимизга кўз тегмасин», деб дуо қилди.



4

ЭЪТИРОФ



Дзюдочиларимиз ғалабалари

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт саройида дзюдо бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида Осиё чемпионати баҳслари юқори савияда ўтказилди. Мусобақада Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари учун рейтинг очколари ҳам тақдим этилди.

— Ўзбекистонда нафақат дзюдо, балки бошқа спорт турлари бўйича ҳам Осиё ва жаҳон чемпионатлари, йирик халқаро турнирлар ўтказиш борасида катта тажриба тўпланган, — дейди **Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) президенти Мариус Визер**. — Халқаро дзюдо федерацияси ўзбек дзюдочиларининг кўлга киритаётган ютуқларини доимо эътироф этади ва бундан фахрланади. 2011 йилда Тошкентда Осиё дзюдони ривожлантириш марказига асос солинган ҳам бежиз эмас.

Қитъамизнинг ўттиз бир мамлакатидан полвонлар иштирок этган нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан Дийёрбек Ўрозбоев, Соиб Қурбонов ва Абдулла Сангирев кумуш, Мирали Шарипов, Рамзиддин Саидов ҳамда Гулноза Матниёзова бронза медал билан тақдирланди.

Жамоавий баҳсларда эса дзюдочиларимиз дастлаб чорак финалда Жанубий Корея, ярим финалда Қозғистон спортчиларини енгиб, финалда Мўғлистон терма жамоасини (4:1) мағлубиятга уратди ва шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



БУГУН
ОНА
ЮРТДА...

ҚАНДИМ ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МАЖМУАСИ

қурилишига киришилди

Бухоро вилоятида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Бу ҳақда «Ўзбекнефтьгаз» матбуот хизмати хабар бермоқда.

Фахр-ифтихор билан шунга айтиш керакки, бугунги кунда нефть-газ саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Ушбу соҳа тараққиёти мамлакатимиз иқтисодий барқарорлиги, саноатининг юксалиши ва халқимиз фаровонлиги янада ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси Қандим газконденсат конлари гуруҳини ўзлаштиришда асосий ишлаб чиқариш объекти ҳисобланади. Ушбу лойиҳа «Ўзбекнефтьгаз» Миллий холдинг компанияси Россиянинг «ЛУКОЙЛ» нефть компанияси билан ҳамкорликда «Қандим-Хавзақ-Шоди-Қўнғирот» махсулотини тақсимлаш тўғрисидаги битим доирасида амалга оширилмоқда. Ушбу гуруҳга Қандим, Қувачи-Олот, Оққум, Парсанқўл, Хўжа ва Фарбий Хўжа каби олтига газконденсат кони қиради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 сентябрдаги «Газни қайта ишлаш заводи комплексини қуриш ва Қандим конлари гуруҳини ободонлаштириш» лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги қарорига асосан лойиҳа уч босқичда амалга оширилади.

Қандим кони қурилиши доирасида бир йилда 8,1 миллиард кубометр газни қайта ишлаш қувватига эга бўлган завод қурилади. Шунингдек, бу ерда 114 қазиб чиқариш қудуқлари, 11 бирлашган майдонлар ва 4 йиғиш пунктларини қамраб оладиган табиий газни йиғиш тизими ташкил этилади. Шунингдек, узунлиги 370 километр газ қувурлари ўтказилади, 160 километр автомобиль йўллари қурилади.

Усқуналар етказиб бериш, газни қайта ишлаш мажмуасини қуриш ва Қандим конлар гуруҳини жиҳозлаш бўйича шартнома қиймати 2,7 миллиард долларни ташкил этади. Дастлабки босқичда ушбу лойиҳага йўналтирилган жами инвестиция ҳажми 3,3 миллиард доллар миқдорига баҳоланмоқда.

Бундан ташқари, ушбу заводда дастлаб 2 мингдан зиёд доимий иш ўрни яратилади. Мажмуа тўла қувват билан ишлаш бошлаганидан кейин бу ерда 7 минг нафар одам иш билан таъминланади.

Мазкур йирик объект фойдаланишга топширилганидан сўнг махсулот ишлаб чиқариш ҳамда уни экспорт қилиш ҳажми кескин ошади.

Қандим газни қайта ишлаш мажмуасининг қурилиши бошланишига бағишланган маросимда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Шавкат Мирзиёев сўзга чиқди.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Темур АбЗАМ тайёрлади.

ЎЗХДП ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА
ШАҲАР ШАҲАР
КЕНГАШЛАРИДА

АНГРЕН ШАҲАР КЕНГАШИ «МАҲАЛЛА»
ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ШАҲАР
БЎЛИМИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «АЁЛ
СОҒЛИФИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ»
ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА ДАВРА
СУҲБАТИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

ОЛМАЛИҚ ШАҲАР «БАРКАМОЛ АВЛОД»
БОЛАЛАР МАРКАЗИДА «ОММАВИЙ
МАДАНИЯТ»ГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИЖТИМОИЙ
ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА
КУЧАЙТИРИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ» МАВЗУСИДА
ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

ОҚҚЎРФОН ТУМАН КЕНГАШИ «ТАРФИБОТЧИ —
МАҲАЛЛАДА» ВА «ЁШЛАР ТАҚДИРИ УЧУН
БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ» ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА
ЎТКАЗГАН ТАДБИРДА «ЁШЛИК» МАҲАЛЛА
ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ АҲОЛИСИ ИШТИРОК ЭТДИ.

ЎЗХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

■ Бугунги демократик ислохотлар фаолиятимизни яна бир бор танқидий муҳокама этиб, партиямизнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда.



Давлат дастури ижросида

партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаол иштирок этиши зарур

Пленумдан бир неча кун бурун Чироқчи туман марказий шиёхонаси иши билан танишгани борган эдим. Хамроҳим Республика Маънавият тарғибот маркази Чироқчи туман бўлими раҳбари, партиямиз фаоли Шоназар Жовлиев шундай деб қолди:

— Туман Кенгашига партиямиздан сайланган депутатлар яқинда вилоят кенгашининг пленуми ўтишини айтиб қолишди. Унда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, бу борадаги долзарб вазифалар бажарилишига ҳисса қўиш масаласи кўрилар экан. Мен сизни нега марказий шиёхонага бошлаб келдим? Шунинг учунки, икки йил олдин бу ерда катта маблаг эвазига замонавий касалхона қурилди. Умуман олганда, шаҳар ва қишлоқларда бу борада бўлаётган ўзгаришлар давлатимиз оёна ва бола саломатлиги учун барча шароитларни яратиб бераётганини яққол кўрсатиб турибди. Биз ҳам бу ишдан четда турмаслигимиз керак, албатта. Ҳўш, бу борада қандай ҳаракатлар талаб этилади?

Биринчи навбатда, оилаларда тиббий маданиятни ошириш учун жон куйдириш керак, деб ҳисоблайман. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатларнинг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак бериш ишларини доимий назоратга олиши лозим.

Ростини айтиш керак, пленумда ЎЗХДП вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Олим Равшановнинг маърузасида Шоназар Жовлиев айтган кўп масалалар қамраб олинди.

— Давлат дастурини амалга ошириш ҳар биримиздан катта масъулият талаб этади. Шунинг учун ҳам партиямиз Ҳаракат дастурида бу борада аниқ вазифалар белгиланган бўлибди. Уларни самарали бажариш учун партия ташкилотлари ва гуруҳлари ҳамкорлигини кучайтириш, ижро бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш зарур бўлади. Хатолардан кўз юммаслик лозим. 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросида айрим партия ташкилотлари сустқашликка йўл қўймоқда.

Ҳозир халқ депутатлари вилоят Кенгашида 22 нафар депутатдан иборат партиямиз гуруҳи фаолият юритмоқда. Туманлар ва Қарши шаҳар Кенгашларига партиямиздан 147 нафар депутат сайланган. Бу — маҳаллий ҳокимият вакиллик фозилари депутатларнинг 36 фозиларни ташкил этади. Кўриниб турибдики, катта куч ва имкониятларга эгамиз. Демак, олдимизда турган вазифаларимиз ҳам кенг ва масъулиятли. Давлат дастурини амалга оширишга муносиб ҳисса қўиш учун тарғибот ишларини янги босқичга кўтариш лозим. Жойларда қўлинаётган ишлар устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўймоғимиз керак.

Вилоят партия ташкилоты етакчиси «Кексаларни эъозлаш йили» Давлат дастури ижросида партия ташкилотлари иштирокини таҳлил қилди. Ўтган йили партия кенгашлари томонидан ҳамкорликда қўлаб тадбирлар ўтказилди. Муаммолари масалалар

юзасидан депутатлик сўровлари юборилди. Турли лойиҳалар доирасида кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ишсиз юрган фуқаролар ҳаёти ўрганилиб, ёрдам уюштирилди.

Шуниси эътиборлики, ўтган йили қўлаб ёшлар партия сафига ўтишди. Ҳозир вилоятда 845 бошланғич партия ташкилоты 36 минг аъзони бирлаштириб турибди. Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган муурожаатларни ижобий ечишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили фуқаролардан 641 муурожаат тушган бўлса, уларда кўтарилган масалаларнинг 80 фозиси ҳал этилди.

Пленумда, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎЗХДП гуруҳлари фаолияти кўриб чиқилди. Жорий йилнинг ўтган даврида Ҳаракат дастурида белгиланган 18 масаланинг 10 таси доимий комиссиялар йиғилишида муҳокама қилиниб, қарорлар ижроси назоратга олинди. Масалан, Китоб туманида ёш оилаларни ижтимоий қўлаб-қувватлаш, уларни имтиёзли ипотека кредитлари билан таъминлаш тўғрисидаги, Яқкабўғ туманида транспорт ва коммуникация инфратузилмаларини шакллантириш тўғрисидаги, Қосон туманида эса ижтимоий нафақалар ва пенсиялар тайинлишига оид масалалар кўриб чиқилган.

Ақром АҚБАРОВ,
Врачлар ассоциацияси Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари, вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзоси:

— Яқинда Чироқчи туманидаги «Шўрқудук» қишлоқ фуқаролар йиғинида сайловчилар вакиллари билан учрашдим. Унда муҳим бир масала кўтарилди. «Шўрқудук» қишлоғидаги қишлоқ врачлик пункти «Умакай», «Сарсон», «Қўқорбулоқ» қишлоқлари аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади. Оралық масофа 20-30 километрга етади. Бу тарзда тиббий хизмат кўрсатиш осон эмас, албатта. Ҳозир тегишли ташкилотлар билан ушбу масала атрофида ўрганилмоқда.

Пленумда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросига муносиб ҳисса қўиш ҳақида қатор таклифлар айтилди. Мен шифокорман, шунинг учун тиббийёт соҳасидаги долзарб масалалар бўйича таклифларимни бермоқчиман. Биринчидан, туман марказларидан узок қишлоқлар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш борасида аниқ тадбирларни амалга ошириш лозим. Иккинчидан, оналар соғлом бола қўиши учун балогатга етмаган қизларни эрта турмушга узатишга йўл қўймаслик, қайнона-келин муносабатлари, оиланинг ўрни ва бошқа мавзуларда тарғибот ишларини кучайтириш, тиббий маданиятни юксалтириш талаб этилади.

Султон ҲАМРОЕВ,
ЎЗХДП Қасби туман кенгаши раиси:

— Яқинда «Муғлон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида кўчма Жамоатчилик қабулхонасини ташкил этдик. Ростки, бу кўпчиликнинг эътиборини тортди. Қабулда олис қишлоқлардаги ҳомиладар аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш, оливалар ҳамширалар ишини ташкил этиш, янги туғилган гўдақларнинг соғлиғидан хабардор бўлиш борасида айрим муаммолар

борлиги тилга олинди. Биз бу масалани туман тиббийёт бирлашмасидаги бошланғич ташкилот йиғилишида муҳокама қилдик. Етакчи, жарроҳ Рустам Эшқулов масалани ижобий ҳал этиш учун имкониятлар етарли эканини айтди. Аҳолини ўнлаш юзасидан тадбирлар белгиланди. Уларнинг ижросини назорат қилиб бораёмиз.

Яна шунга айтиш керакки, ушбу масала халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи ва маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш доимий комиссиясида ҳам муҳокама қилинди. Келгусида уни туман Кенгаши сессиясига қиритишни мўлжаллаёмиз. Умуман, депутатларимиздан аниқ ишлаш талаб қилинмоқда.

Бу йил 13 нафар депутатимиз томонидан 39 қорхона ва ташкилот раҳбарларига депутатлик сўровлари юборилди. Уларда кўтарилган масалалар назоратга олинган. Давлат дастури

юрақдан ҳис қилияпмиз. Пленумда, шунингдек, партиямиз фаоли, Олий Мажлис Сенати аъзоси Суюн Абдиев, «ЎЗХДПнинг энг фаол аъли» кўрик-танлови республика босқичи иштирокчиси Лазиза Аппарова сўзга чиқиб, кун тартибидagi масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Хуллас, пленум қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар асосида ўтди. Мен Республика Маънавият тарғибот маркази Чироқчи туман бўлими раҳбари, партиямиз фаоли Шоназар Жовлиевга таассуротларимни айтишга қарор қилдим...

**ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ
ФАОЛЛИГИ**
Ижтимоий масалалар ечим топишида муҳим ўрин тутди

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг пленуми бўлиб ўтди.

Унда партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳларнинг дастурий вазифалар

чиқиб, алоҳида қўлаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг тўғри тақсимлигини устидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш ишларида алоҳида эътибор билан қарашимиз зарур. Ҳудудларда ушбу йўналишлардаги ҳолатни чуқур ўрганиб, доимий комиссия ва сессиялар муҳокамага қиритиш учун пишиқ-пукта таклифлар тайёрлаш талаб этилади.

Электрат манфаатлари билан боғлиқ масалани ўрганиб, доимий комиссия ёки сессия муҳокамага қиритиш билан чекланмаслигимиз керак. Бу ўринда қабул қилинган қарорларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш, сустқашликка йўл қўйётган мутасадди ташкилотлар фаолияти устидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш чораларини кўришимиз лозим.

Пленумда ўтган йили туман

дастурлари бажарилиши юзасидан мансабдор шахслар ҳисоботларини эшитишни изчил ташкил қилиш борасида камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Бу, албатта, сессиялар муҳокамага долзарб ижтимоий масалаларни олиб чиқиш жараёнидаги салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳамжиҳатликда амалий натижалар учун ҳаракат қилишимиз, қурашмоғимиз лозим.

Пленумда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракция аъзолари, туман, шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари раҳбарлари, «Фаол аёллар», «Истикбол» ёшлар қанотлари етакчилари сўзга чиқиб, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросида фаол иштирок этиш бўйича таклифларини беришди.

Қайд этилдики, Давлат дастури ижроси йўлида илгари суриладиган ташуубуслар электрат манфаатлари ҳимоясини таъминлашга, партиямизнинг жамиятдаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

Кун тартибидagi ҳар бир масалага танқидий-таҳлилий ёндашилди. Шу асосда тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум якунида 15 нафар ёш йигит-қизга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоли гувоҳномалари топширилди.

**ТАКЛИФЛАР,
ТАШАББУСЛАР**
электрат манфаатларига хизмат қилсин

ЎЗХДП Самарқанд вилоят кенгашининг пленуми ҳам фикр-мулоҳазалар, таклифларга бой тарзда ўтди.

Сўзга чиққанлар асосий эътиборни шунчаки ҳисобот беришга эмас, жойлардаги муаммолар, уларнинг ечимида депутатлар иштироки қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги таклифларга қаратишди.

Дастлаб ЎЗХДП вилоят кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Бўрибой Бўринов «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросида партия ташкилотларининг иштирокини янада кенгайтириш тўғрисида маъруза қилди.

— Мамлакатимизда оилани, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, баркамол авлоднинг тарбиялаш, оила институтини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши келинмоқда, — деди маърузачи. — Бу аҳоли, айниқса, давлат ва жамият томонидан алоҳида қўлаб-қувватлашга эътиҳманд фуқаролар, партиямиз электраты вакилларининг турмуш даражаси юксалишида муҳим ўрин тутди. Шу боис «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишларда партия ташкилотлари, депутатлар иштирокини кучайтириш муҳим вазифалардан бири. Оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича жойларда олиб борилаётган ишлар устидан депутатлик назоратини кучайтиришимиз талаб этилади.

Пленумда, шунингдек, ЎЗХДП Булунгур туман кенгашидан Мамашариф Немазов, «Фаол аёллар» қаноти етакчиси Дилбар Имомова, партиямиз фаоли Уктам Ҳожиёв сўзга чиқиб ва қўрилган масалалар бўйича мулоҳазаларини билдирди. Муҳокамалар якунида тегишли қарор қабул қилинди.

Юнус УЗОҚОВ,
Мнаҳатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбирлари.



да оилани мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилган. Шунинг учун биз ҳозир ҳамкорлар ёрдамида 30 нафар хотин-қизни турли касблар бўйича ўқитишни ташкил қилдик. Жорий йилда туманимизда 5200 дан ортиқ янги иш ўрни очилиши режалаштирилган. Биз, айниқса, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга катта эътибор қаратяпмиз.

Саломат ТУРСУНОВА,
«Нишон тонги» газетаси муҳаррири, халқ депутатлари Нишон туман Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи раҳбари:

— Пленумда партия ташкилотлари ва депутатлар ҳамкорлиги масаласига ургу берилди. Бу — ҳаёт талаби. Энг муҳим вазифалар қишлоқлар, чекка ҳудудлардаги ҳолатга қараб белгиланиши лозим, деб ўйлайман. «Каптарли» қишлоғида сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувда ўқувчилар 12 километрдан мактабга пиёда қатнаётгани айтилган эди. Тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари билан чиқдим. Бу масала юзасидан 2017 йилда амалий ишлар бошланадиган, бошланғич синфлар учун мактаб филиали қуриладиган бўлди. Туман Кенгашидаги партия гуруҳимизда 8 нафар депутат ҳамжиҳат фаолият олиб бормоқда. Бугун биз фақат ишлаш кераклигини, амалий натижа муҳимлигини

ни бажаришдаги фаоллигини ошириш, электрат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларни янада такомиллаштириш бўйича фикр алмашилди.

Пленумда сўзга чиққанлар асосан жойлардаги ижтимоий муаммолар, уларнинг ечимида депутатлар иштирокини кучайтириш масалалари ҳақидаги таклифларга эътибор қаратишди.

Қувайтбой ҚУРБАНБАЕВ,
ЎЗХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси:

— Ўтган йили халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари томонидан электрат манфаатлари билан боғлиқ 22 масала атрофида кўриб чиқилди. Шундан 15 масала тегишли доимий комиссияларга, 6 таси эса сессияга олиб чиқилди. Қабул қилинган қарорлар ижроси назоратга олинди. Бу борада Беруний, Амударё, Тўртқўл, Қўнғирот, Кегайли ва Нукус туман Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари фаолияти самарали бўлди. Аксинча, Тахтақўпир, Мўйноқ туман партия ташкилотлари ва гуруҳлари Ҳаракат дастури ижросини таъминлашда камчиликларга йўл қўйди.

Жорий йилда аҳолини ўйлантираётган ижтимоий масалалар юзасидан амалий ишларимизни янада кўпайтиришга эришмоғимиз лозим. Хусусан, партиямиз дастурий мақсадларидан келиб

ЎЗХДП НАМАНГАН ТУМАН КЕНГАШИДА «МЕН ВАТАНИМ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚЎШИШНИ
ХОҲЛАЙМАН» ШИОРИ ОСТИДА «ЁШ СИЁСАТЧИ — 2016» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ТУМАН
БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



Давлат солиқ қўмитаси

электрон хизматлар
портални ишга туширди

Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси синов тартибидида солиқ органларининг электрон давлат хизматлари портални ишга туширди. Бу ҳақда, қўмита матбуот хизмати маълумотида таяниб, «Газета.uz» хабар бермоқда.

«Электрон солиқ хизматлари» портали ҳолига ва бизнес вакилларига хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, бу борадаги чиқимларни камайтириш ва кўрсатилаётган солиқ хизматлари юзасидан фуқароларнинг муносабатларини таҳлил қилиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Порталда мурожаат йўллаш, қабулга ёзилиш, ҳисобга қўйдириш, ҳисобот жўнатиш, маълумотнома ва кўчирмалар олиш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш сингари 26 турдаги хизматдан фойдаланиш кўзда тутилган. Синов тартибидида ишга туширилган 10 га яқин хизмат тури алоҳида гуруҳга ажратилган. Айрим хизматлар учун электрон имзо талаб этилади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»

Техронга юк ташиш
рейсларини амалга
ошира бошлайди

29 апрелдан эйтиборан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликда Эрон пойтахтига мунтазам юк ташиш рейсларини амалга оширади. Бу ҳақда Миллий авиакомпания матбуот хизмати ахборот бермоқда.

Имом Ҳумойний номидаги халқаро аэропортга рейслар Навоий халқаро аэропортдан Boeing-767-300BCF юк самолётларида ҳафта-сига икки марта — душанба ва жума кунлари амалга оширилади.

Бугунги кунда Навоий халқаро аэропорти орқали Франкфурт, Вена, Милан, Сарагоса, Тель-Авив, Дубай, Дехли, Мумбай ва Сеулга ҳаво кемалари парвози амалга оширилмоқда.

Тошкентдаги Инҳа университетида Ўзбекистон — Корея форуми бўлиб ўтди

Жанубий Кореянинг АКТИН ривожлантириш соҳасидаги илғор тажрибаси билан танишиш, шунингдек, ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг қўмағи билан Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида АКТИН ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон — Корея илмий-амалий форуми бўлиб ўтди. Бу ҳақда Тошкент шаҳридаги Инҳа университети матбуот хизмати хабар берди.

Форумни ташкиллаштиришда LG CNS, Samsung ва КТ компаниялари яқиндан ёрдам берди.

Мазкур Форумда иштирок этиш учун Корея Республикасининг технологик ривожланиш жараёнида бевосита иштирок этган АКТ соҳасининг нуфузли экспертлари, олим ва етакчи тадбиркорларидан иборат делегация аъзолари ташриф бурди.

Бундан ташқари, форум иштирокчилари Корея Республикасида АКТИН ривожланиш босқичлари билан танишиб, ахборот технологиялари бозоридидаги етакчи компанияларнинг технологик ва бизнес йўналишларини муҳокама қилди.

Маҳалла фаолиятининг ташкилий асослари янада такомиллаштирилди, вазифалари кўлами кенгайтирилди, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатлари таъминланди.

Маҳалла фуқаролар йиғини сайлови

ва унинг ҳуқуқий асослари

Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатта раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.

(Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси 105-моддаси.)

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг маҳалла институтини ривожлантиришга алоҳида эътибор қaratилмоқда. Шу ҳақда гап кетганда, аввало маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва макрими конституциявий даражада мустаҳкамланганини таъкидлаш ўринли бўлади.

Демократиянинг дунёда умумэтироф этилган энг муҳим тамойилларини ўзида мужассам этган маҳалла институти истиқлол йилларида изчил ривожланмоқда. Унинг ҳуқуқ ва ваколатлари мунтазам равишда кенгайтирилиши натижасида маҳаллалар томи маънода ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Бугунги кунда маҳалла миллий давлатчилигимиз тизимида ҳақиқий шарҳона демократик аъёнлар ўчоғи сифатида намоён бўлмоқда. Бу эса «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилнинг рўёбга чиқишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси фоялари асосида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди. Шу орқали маҳалла фаолиятининг ташкилий асослари янада такомиллаштирилди, вазифалари кўлами кенгайтирилди, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатлари таъминланди.

Этироф этиш жоизки, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги

қонунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар кўрсатиш, уларга қўйиладиган талаблар, шунингдек, фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчиларининг миқдор таркибини белгилаш ва маслаҳатчилар лавозимларига номзодлар кўрсатиш тартибининг алоҳида бобда белгиланганиги ушбу лавозимларга муносабат инсонларни танлаш ҳамда сайлашда катта аҳамиятга эга.

Масалан, Қонунда фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатишнинг демократик тартиби жорий қилинган. Унга мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш тегиниш ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Ишчи гуруҳ фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларга доир ҳужжатларни тайёрлайди ва туман ёки шаҳар ҳокими билан келишиш учун тегиниш комиссияга сайловдан камида ўн кун олдин тақдим этади. Ҳужжатларга фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларнинг ўз номзод кўрсатилишига ёзма розилиги илова қилинади.

Туман ёки шаҳар ҳокими фуқаролар йиғини раиси лавозимига тақдим этилган номзодларнинг ҳужжатларини қўйишда ва ўзининг ушбу номзодлар бўйича асосланган ҳолда ҳулосаларини кейинчалик ишчи гуруҳларга тақдим қилиш учун тегиниш комиссияларга юборилади.

Ишчи гуруҳ туман ёки шаҳар ҳокимининг ҳулосасини олганидан кейин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига келишишган номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин

фуқаролар йиғини раисига ва гузарларга осиб қўйди.

Шунингдек, қонунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар ҳам белгиланган. Ушбу талабларга асосан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида, олий маълумотга эга бўлиши, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегиниш ҳудудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларда ёхуд тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек, ҳаётий таърибага ва аҳоли ўртасида обрў-этиборга эга бўлиши керак.

Қонуннинг аҳамиятли жиҳатларидан бири, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг маҳалла ҳаётида тутган ўрнидан келиб чиқиб, уларнинг миқдор таркибини белгилаш тартиби алоҳида нормада белгиланганидир, десак, тўғри бўлади.

Қонунга асосан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдор таркиби ҳовиллар, уйлар, кўчалардан ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалардан фуқароларнинг вакиллик инобатга олинган ҳолда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан белгиланади. Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар тегиниш ҳудудда доимий яшайдиган фуқароларнинг фикрлари инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан кўрсатилади.

Ушбу қоида белгиланиши маҳаллада истиқомат қилаётган фуқароларнинг келгусида фуқаролар йиғини раиси маслаҳатчилари билан баҳамжиҳат бўлиши ва ўзаро ишонч мустаҳкамланишига хизмат қилади.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ўтказган ёки ҳақиқий эмас, деб топилган ҳолда қонуннинг мустаҳкамланишидир.

Масалан, қонунда белгиланганидек, агар фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида тегиниш рўйхатга киритилган фуқароларнинг яримдан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Сайлов фуқаролар вакилларининг йиғилишида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда ҳовиллар, уйлар, кўчалардан ҳамда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар маҳаллаларидан фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан кам иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Сайлов давомида ёки овозларни санаб чиқишда йўл қўйилиб, овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарликлар тудайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар кўрсатиш тегиниш ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, қонунда сайловда такрорий овоз бериш билан боғлиқ қоидалар ҳам мустаҳкамланган. Унга мувофиқ, агар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига икки нафардан ортиқ номзод кўрсатилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) энг кўп овоз олган икки номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Такрорий овоз бериш қонун талабларига риоя этилган ҳолда ўтказилади. Бунда овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод фуқаролар

йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига сайланган ҳисобланади.

Қонунга мувофиқ, агар аввалги сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайланганлигини аниқлаш имконини бермас; фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари сайлов ўтмаган бўлса, такрорий сайлов ўтказилади. Такрорий сайлов ушбу Қонун талабларига асосан бир олийк муддатдан кечиктирмасдан ўтказилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Ушбу конституциявий нормадан келиб чиқиб, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари бўйича қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Қонунда бу ҳақдаги қоида алоҳида белгиланган.

Ушбу метёр фуқароларнинг нафақат сайлов ҳуқуқлари суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлайди, балки қонун ижроси устидан суд назоратини амалга оширишга хизмат қилади.

Умуман олганда, жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида иштирок этиш орқали фуқароларимиз ўзлари истиқомат қилаётган маҳалла раислигига қўни қўрган, ҳаётнинг пасту баландини тушунадиган инсонлар сайланишига ҳисса қўшади. Конституцияда белгиланган фуқаролар ҳуқуқидан фойдаланади.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий судининг
катта эксперти,
юридик фанлар номзоди.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

ЯПОНИЯДА

600 га яқин зилзила
қайд этилди



Кумамото префектураси ва Кюсю оролининг гарбида 14 апрелдан бери 600 га яқин сезиларли зилзилалар кузатилди. Мамлакатнинг сейсмологик маркази шу ҳақда хабар берган.

17 апрель кун Кумамото префектурасида 5,8 ва ундан ортиқ магнитудали зилзилалар қайд этилган.

Кюсю оролининг жанубий-ғарбий қисмида кетма-кет содир бўлаётган ер силкинишлари натижасида 44 киши ҳалок бўлган. 92 мингдан ортиқ киши ўз уйларини тарк этишга мажбур бўлди.

Қутқарув ишларини амалга ошириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш учун Япония Куролли куларининг 20 мингга яқин ҳарбийлари сафарбар этилди.

ХИТОЙДА 4500 ЙИЛЛИК ҚАБР ТОПИЛДИ

Хитойнинг Сичуань ҳудудида 4500 йилдан буён яхши сақланиб қолган инсон суякларини топилади, деб хабар бермоқда Синьхуа ахборот агентлиги.




Қабр Сиань Чжао қишлоғида жойлашган. Бу қишлоқ ҳудудида аввал қадимий шаҳар бўлган. Археологларнинг айтишича, суяклар сувости сувлари қатлами тағида ётганлиги боис зарарланмаган.

Таъкидланишича, топиламанеолит давридаги одамларнинг яшаш тарзи қандай бўлгани ҳақидаги маълумотларни аниқлашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, қабрда қўллаб маданий асори-атикалар: тош, сопол буюмлар ва фил суягидан ясалган иккита билакузук топилган.

АВТОМОБИЛЛАРНИ электр қувватлаш имкони туғилди



Ўтган йил февраль ойида афро-мухитни муҳофазалаш мақсадида электр автомобиллари учун Дубайда биринчи электр шохобча иш бошлаган эди.

Бу йил ҳам шундай шохобчалардан яна бир нечтаси ташкил этилди. Улар асосан ёқилғи қўйиш шохобчалари ўрнида жой олди.

ЭЪЛОНЛАР

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси

қуйидаги объект қурилиш учун пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри ичимлик сув тизимларидаги таъмирлаш узееларини реконструкция қилиш. **Ташкилотнинг бошланғич нархи:** қўйилган қиймат солиғи билан бирга — 903 506 621 сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 752 922 184 сўм, қурилиш муддати — 90 кун.

Буюртмачи: «Ўзкоммунхизмат» агентлиги объектлари қурилиш бўйича инжиниринг компанияси.

Манзили: Тошкент шаҳри, Юнусовод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй. **Телефон-факс:** (0-371) 235-78-24, 234-05-08, 234-07-38.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишига рухсат этилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақдирлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақдирларини баҳолаш жараёнида танлов тақдирларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўйимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақдир қўйимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Курсаткичлар тенг бўлганда устулик кичик бизнес субъектларига берилади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектурлиш» қўмитасининг Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уй. Телефон-факс:** (0-376) 223-44-73, 223-44-78.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм.

Тақдирлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши кун ва соати.

Тақдирлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уйда** ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Капитал қурилиш ва фойдаланиш бошқармаси

қуйидаги объектни таъмирлаш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги Сафарбарлик чакрив захираси батальони муҳандислик тармоқларини (оқова, сув таъминоти, электр таъминоти ва иссиқлик таъминоти) мукамал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўйилган қиймат солиғи билан бирга — 1 196 730 838 сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 997 275 698 сўм, қурилиш муддати — 90 кун.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Капитал қурилиш ва фойдаланиш бошқармаси.

Манзили: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй. **Телефон:** 260-39-96.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Сафарбарлик чакрив захираси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишига рухсат этилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келиши лари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий

лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлиши шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақдирлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг тақдирларини баҳолаш жараёнида танлов тақдирларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўйимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақдир қўйимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектурлиш» қўмитасининг Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уй. Телефон-факс:** (0-376) 223-44-73, 223-44-78.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм.

Тақдирлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши кун ва соати.

Тақдирлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: **Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уйда** ўтказилади.




Пекин Гран-присида хамюртларимиз иштирок этмоқда

Хитой пойтахти Пекин шаҳрида энгил атлетика бўйича Гран-при туркумига кирувчи йирик халқаро турнир бошланди. Бу ҳақда Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизмати хабар бермоқда.

Дунёнинг 30 дан зиёд давлатидан келган 600 нафарга яқин паралимпиячи иштирокида ўтказилаётган мазкур нуфузли мусобақада беш нафар спортчимиз — София Бурхонова (ядро улоқтириш), Фахриддин Хамроев (400 метрга югуриш), Улғубек Чориев (100 метрга югуриш), Нозимахон Қайумова ва Александр Свечников (найза улоқтириш) қатнашмоқда.

«Шум бола — 2016» кинофестивали ўтказилади

Фестиваль «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Ташки ишлар вазирлиги ва Ёте институту Тошкент филиали билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.



«Шум бола» ўзбек ва немис кинолари III фестивали 28 апрель — 1 май кунлари Тошкентда, 3-5 май кунлари эса Фарғонада ўтказилиши режалаштирилган. Бу ҳақда «Ўзбекино» Миллий агентлиги директори Отабек Мусаев фестивал муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманида маълумот берди.

Эслатиб ўтамиз, ёш томошабинлар учун мўлжалланган ушбу кинофестиваль ўтган йили Тошкент ҳамда Самарқандда ташкил этилган эди.

Урганчда санъат байрами

Урганч Сураатлар галереясида мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма беш йиллиги ҳамда Соғлом она ва бола йили муносабати билан «Тасвирий ва амалий санъат фестивали» иш бошлады.

Тадбирнинг очилиш маросимида қатнашганлар унинг мазмун ва моҳияти, ёшлар ҳаётидаги ўрни ҳақида атрофлича сўз юритишди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг сайтида хабар берилишича, мазкур кўргазмадан воҳода яшовчи 100 дан зиёд ёш ишкорнинг 500 дан ошқасари ўрин олган.

ИСТИҚЛОЛ ИМКONIЯТЛАРИ



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

АССАЛОМ, БЎЙЛАРИ БАЛАНД КЕЛАЖАК!

Ўзбекистон тараққиётнинг ойдin йўлига аллақачон чиқиб олди. Бу юксалишларни давом эттириш, дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаш учун чет тилларини, айниқса, инглиз тилини мукамал билишимиз жуда муҳим. Албатта, бу борада кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг замонавий қиёфаси мисолида ҳам мамлакатимизда таълим соҳасига, жумладан, чет тилларини ўрганишга кўрсатилаётган юксак эътибор ифодасини кўрамыз.

Президентимизнинг Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорларига асосан университетимиз давр талабаларига тўлиқ мос равишда қайтадан бунёд этилди.

— Ўқув биноларининг қайта қурилиши ва жиҳозланиши учун давлат бюджетидан катта маблағ ажратилди, — дейди университетнинг молия ва иқтисод ишлари бўйича проректори Суянов Абдуллаев. — Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) йўналишларидаги факультетлар учун 2200 ўринли янги ўқув-маъмурий бинолари барпо этилди. Шунингдек, 1000 ўринли ўқув бинолари, таржима назарияси ва амалиёти факультети ҳамда Чет тилларини ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий амалий маркази учун 650 ўринли алоҳида ўқув биноси, 660

Давом. Бошланғич 1-бетда.

ўринли 2 талабалар турар жойи қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Очқ ва ёпиқ спорт мажмуалари, ахборот-ресурс маркази, 372 ўринли фаоллар зали, чет эллик талабалар учун замонавий тилдаги меҳмонхона қуриб битказилди. Халқаро журналистика факультети талабалари учун замонавий махсус медиа хоналар ташкил этилди. Эндиликда яратилган имкониятлардан қай даражада самарали фойдаланиш асосан ўқитувчи ва талабаларга боғлиқ.

— Яхши эслаيمان, 1948 йилда Тошкент давлат чет тиллари педагогика институти очилиб, у эски мактаб биносидан фаолият бошлаган, — дейди филология фанлари номзоди, доцент Аббос Ирискулов. — Талабалик даврим 1957-1962 йилларга тўғри келган. Пасткам, кўрimsиз бинодаги тор хоналарда стуллар етишмаганидан, тик турган ҳолда маъруза эшитганимиз. Бунинг устига инглиз тили фанидан ўқитувчилар етишмасди. Дарслик, қўлланма, лугатларни-ку айтмай қўйолмай, инглиз тилига оид бирор китобни

ўқиш учун то навбат етиб келгунча ўқув йилининг ярми ўтиб кетарди. Дарслар зерикарли, бир қолига солинган эди. У пайтда фақат таржима ва грамматика методидан фойдаланилган.

Дарвоқе, 1992 йилда Республика рус тили ва адабиёти институти ҳамда Чет тиллари педагогика институти бирлаштирилиб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига асос солинди. Мустақиллик шарофати билан барча соҳалар қатори чет тилларини ўқитиш ва ўрганиш тизими тубдан янгиланди, жуда тез суръатларда ривожланди. Утган йили мамлакатимизга келган АҚШнинг Вашингтон университети профессори жаноб Кодрмен талабаларимизнинг инглиз тилида бемалол сўхатлашаётганини кўриб «Кўп давлатларга борганман, лекин очиги, инглиз тилини бу қадар мураккам ўзлаштирган ёшларни кам кўрганман» деган эди.

— Президентимизнинг чет тилларини ўрганишни такомиллаштириш тўғрисидаги қароридан сўнг давлат таълим сатандартлари мазкур қарор талабларига асосан қайта йшлаб чиқилди, янги самарали методлар яратилди, — дейди Республика Инновацион илмий-амалий маркази бўлим бошлиғи Нозлия Нормуродова. — Чет тилларини ўрганишга ихтисослашган таълим муассасаларида биринчи кундан мулоқот маҳоратини ўргатиш услуги йўлга қўйилиб, маҳорат интеграцияси методи асосида тинглаш, гапириш, ўқиш, ёзишни ўргатиш жараёни бир вақтнинг ўзida баробар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда хорижий тилларни билишни халқаро даражага тенглаштириш мақсадида Умуевропа стандарти, яъни CEFR (Common European Framework of Reference) тизими жорий этилди. Хорижий хамкорларимиз билан биргаликда бошланғич синф ўқувчилари учун дарсликлар, лицей-колледж ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари учун CEFR тизими талабларига мос келадиган ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсликлар мультимедиа воситалари (аудио, видео, диск) ресурси яратилди. Ҳозир халқаро баҳолаш стандартларига мос келадиган миллий тест тизимини яратиш борасида англиялик мутахассис Кристин Смарк билан биргаликда иш олиб бормоқдамиз.

Университетимизда нуфузли хориж олийгоҳларида малака ошириб қайтган ёш, изланувчан, билимли ўқитувчиларимиз ҳам талайгина.

— Айни вақтда университетимизда Англиянинг Британия кенгаши (British Council), Oxford, Westminster, Reding каби нуфузли университетлар билан алоқа ўрнатилган, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси Яйра Абдураимова. — Бундан ташқари, АҚШ, Франция, Германия, Испания, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Сингапур, Малайзия, Индонезия давлатларидаги университетлар билан тажриба алмашиш юзасидан хамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Ҳозир 2004 йилда АҚШда, 2013 йилда Англияда малака ошириб қайтганман. Америкадаги университетларга бундан

11 йил аввал биринчи марта борганимда, замонавий ўқув бинолари ва жиҳозларига ҳавасим келганди. 2015 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида АҚШнинг Вашингтон, Оклахома, Калифорния ва Нью-Йорк шаҳарларидаги университетларда бўлиб қайтдим. Агар солиштирадиган бўлсак, бугунги кунда бизда яратилган шароитлар ҳам АҚШдагидан кам эмас. Хорижий давлатлардан келган хамкасбларимиз янги қуриб битказилган университетимиз биносини кўрганида бизга ҳавас билан қарашди. Чунки у ерда университет қурилишига давлат бюджетидан маблағ ажратилмайдди. Талабаларнинг ўқув шартномаси учун тўлов пуллари ҳам анча қиммат...

Ёшлар кишиларнинг, ус-тозларнинг ҳаётларидан келтирган жонли мисолларнинг эшитиб, кеча ким эди, бугун ким бўлди, деган саволга жавоб топгандек бўлди. Мустақиллик йилларида рўй бераётган асрларга тенг ўзгаришларни нафақат ўзимиз, балки бутун дунё ҳам-жамияти эътироф этапти.

Мен улуғвор кўринишдаги университетимнинг янги биносига назар ташлашдан, унинг тизимли бўйлаш баланд келажакни, қадди тик Ўзбекистонни кўрдим. Ва беихтиёр бунининг қулоғимга ўрнашиб қолган дуоларини такрорлай бошладим: Президентимиз омон бўлсин, юртимизга, тинчлигимизга кўз тегмасин...

Меҳриноз АББОСОВА,
ЎЗДЖУ талабаси,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори,
ЎзХДП фаоли.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИБ «Қўриқлаш» бирлашмаси томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда республика ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлиналари фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берилди.

ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ

такомиллашмоқда

Қайд этилдики, хизмат ўз фаолиятини тўлиқ ҳўжалик ҳисобида юритиш ва қорхона, ташкилот ҳақда фуқароларга кўрсатилаётган қўриқлаш хизмати эвазига тўлаётган маблағлар ҳисобидан таъминланади.

Бугунги кунда қўриқлаш бўлиналарида 177 техник қўриқлаш пункти фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан жами 14000 дан ортиқ объект ёки жами қўриқдаги объектларнинг 61 фоизи қўриқланади. Бундан ташқари, Техник қўриқлаш пунктлари қўриғида 8,8 мингдан ортиқ фуқаро хонадони ҳам бор.

Шу йилнинг уч ойи давомида бир минг етти юздан ортиқ объект ва бир минг икки юзга яқин хонадон янгидан Техник қўриқлаш пунктлар қўриғига олинди.

Бир неча йиллик ўрганишлар, синовлар асосида иқлим шароитимизга мос келадиган техник қўриқлаш ускуна ва технологиялар танлаб олинди. Ҳозир хизматга ушбу тармоқларни жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Натижада ишла-тонали алоқа тармоқларининг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланилади. Хусусан, қўриқлаш хизмати интернет тармоғи, рақамли, модемли телефон тармоқлари, GSM уяли алоқа каналлари ҳамда ултра-қисқа тўлқинли радио тармоқлари орқали ишлайди.

Фуқаро хонадонлари қўриғи масаласи ҳам долзарб. Бир хонадонни бир ой давомида Техник қўриқлаш пунктлари ёрдамида қўриқлаш учун олинди-диган ҳақ ҳозир 17277 сўм. Ушбу ҳақ хонадон эгаси ўз мулкни 379500 сўмга баҳолаганда олинади. Хонадон соҳиби ўз мулкни қимматкор баҳолаша, қўриқлаш ҳақи ўша сумманинг бир фоизи миқдорда белгиланади. Мулкнинг нархини баҳолашни бир вақтнинг ўзida сугурта суммасини белгилаш ҳам деб қабул қилиш мумкин. Яъни, мулкдор ўз хонадонидagi мулкни қанча суммага баҳолаша, қўриқлаш хизмати ўз айби билан ўғриллик содир этилишига йўл қўйган тақдирда мулк баҳоланган суммани тўлиқ ўз ҳисобидан тўлайди.

Бир хонадонни сигнализация билан жиҳозлаш (сигнализация жиҳозлари, ускуналари ва ўрнатилиш хизматларини қўшиб ҳисоблаганда) 35-45 минг сўмдан бошланади. Хонадон эгасининг хоҳишига қўра, қўриқлаш жиҳозларининг туридан келиб чиқиб, ўрнатиш нархи ҳам ўзгариши мумкин.

Қўриқлашнинг яна бир хизмати — «ташвиш» тўғрисида туридан касалар, банклар, кўнгилоҳар муассасаларда самарали фойдаланилмоқда.

Қисқаси, қўриқлаш хизматига замонавий технологиялар жорий қилиниши моддий-товар бойликларининг ишончли ҳўмиясини таъминламоқда.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

РЕКЛАМА



ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует
под заказ:

- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir birinchi o'rinbosari: Farrux HAMROYEV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Saidkamol XODJAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)
Rustam KAMILOV		

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 459
15101
naxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20:50
Topshirilgan vaqti — 23:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Erkin XOLBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 6